

ИНВЕСТИЦИЯЛАР — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ҲАМДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июнь куни пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг ялпи мажлисида иштирок этди.



Тадбирда Болгария Президенти Румен Радев, Словакия Бош вазири Роберт Фицо, Қозоғистон Бош вазири Олжас Бектенов, Қирғизистон Ҳукумати раиси Адилбек Касималиев, Тожикистон Бош вазири Қоҳир Расулзода, Озарбайжон Бош вазири Али Асадов, Россия Ҳукумати раиси ўринбосари Александр

Новак, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари Нокергули Атагулиев ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо ва Янги тараққиёт банки президенти Дилма Русеф ҳам қатнашди.

Умуман, форумга 100 га яқин мамлакатдан 7,5 мингдан ортиқ делегат, жумладан,

3 мингга яқин хорижий меҳмон ташриф буюрди. Бу йилги тадбир янги, кенгайтирилган шаклда ўтказилмоқда. Унинг доирасида илк бор Ўзбекистон компанияларининг лойиҳалари ва қўшма ташаббуслари намоиш этилаётган ихтисослашган кўргазма ташкил этилди.

► Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН — БОЛГАРИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Болгария Республикаси Президенти Румен Радев расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.



10 июнь куни Кўксарой қароргоҳида Болгария Республикаси Президенти Румен Радевни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Қароргоҳ олдидаги майдонда икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди.

Президентимиз олий мартабали меҳмонни самимий қарши олиб, шоҳсупага таклиф этди.

Давлат мадҳиялари янгради. Ҳарбий оркестр садолари остида етакчилар фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутлади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Болгария Республикаси Президенти Румен Радевнинг расмий делегациялар иштирокидаги музокара-лар бўлиб ўтди.

► Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июнь куни тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Озарбайжон Республикаси Бош вазири Али Асадов, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов, Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Адилбек Касималиев, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари Александр Новак, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Нокергули Атагулиевни қабул қилди.



Озарбайжон Республикаси Бош вазири Али Асадов билан учрашув аввалида Ўзбекистон етакчисига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг салом ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Иқтисодий кооперация йили доирасида биргаликда самарали ишлар амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида, жумладан,



қўшма Инвестиция компанияси кўмагида амалга оширилаётган кооперация лойиҳалари қизгин паллага кирган. Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом этмоқда. Эришилган келишувлар ижросини

назорат қилиш ва бўлажақ олий даражадаги учрашув учун янги ташаббусларни илгари суриш мақсадида ҳукуматлар даражасида яқиндан амалий ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Шу маънода, Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йигилиши ва икки мамлакат ҳудудлари форумининг юқори натижадорлигини таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

► Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТЎРТИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли форум иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!
Азиз меҳмонлар!

Аввало, сизларни — ҳамкор давлатларимизнинг юқори мартабали вакиллари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, бизнес оламининг йирик намоёндаларини тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида чин қалбимдан самимий қутлайман.

Тадбиримизда қатнашаётган Болгария Президенти Румен Радев Жаноби Олийлари, Словакия Бош вазири Роберт Фицо Жаноби Олийлари, Қозоғистон Бош вазири Олжас

Бектенов Жаноби Олийлари, Қирғизистон Ҳукумати раиси Адилбек Касималиев Жаноби Олийлари, Тожикистон Бош вазири Қоҳир Расулзода Жаноби Олийлари, Озарбайжон Бош вазири Али Асадов Жаноби Олийлари, Россия Федерацияси Ҳукумати раиси ўринбосари Александр Новак Жаноблари, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари Нокергули Атагулиев Жанобларини кўриб турганимдан гоят хурсандман.

Шунингдек, Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, араб давлатлари ҳамда Европа, Осиё ва Африка минтақаларидан келган нуфузли делегацияларни ҳам чин дилдан қутлайман.

Биз билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган молиявий институтлар раҳбарлари — Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо хоним ва Янги тараққиёт банки президенти Дилма Русеф хонимга алоҳида миннатдорлик изҳор этаман.

Бугунги форумда 7,5 мингдан ортиқ делегат, жумладан, 100 га яқин давлатдан салкам 3 минг нафар хорижий меҳмон иштирок этмоқда. Биз буни, авваламбор, мамлакатимизга бўлган ҳурмат, ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорликнинг чинакам ифодаси сифатида қабул қиламиз.

► Давоми 2-бетда

ХАЛҚИМИЗНИ ЯНАДА БИРЛАШТИРГАН УНУТИЛМАС ЮТУҚ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 июнь куни “Бунёдкор” стадионига ташриф буюриб, футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўйинини томоша қилди.

Бу оддий ўйин эмас, ўзбек футболининг катта байрами. Жаҳон чемпионати саралаш босқичининг сўнгги учрашуви. Лекин моҳир спортчиларимиз мундиал йўланмасини муддатидан олдин нақд қилиб

қўйган — Ўзбекистон миллий терма жамоаси тарихда илк бор футбол бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этади!

► Давоми 3-бетда



2025 йил 11 июнь, 118-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz



ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТЎРТИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон заминига хуш келибсиз, қадрли дўстлар!

Хурматли анжуман иштирокчилари! Бугунги дунё катта синовларни бошидан кечирмоқда. Глобал хавфсизлик ва барқарор ривожланишга жиддий таҳдидлар тобора кучаймоқда, геосиёсий жараёнлар кўз ўнгимизда шиддат билан ўзгармоқда. Жаҳонда қуrollаниш пойгаси яна авж олмақда. Йирик мамлакатларнинг ҳарбий харажатлари 2010 йилга нисбатан бир ярим баробар ортиб, 2,5 триллион долларга етди. Иқтисодий инқироз асоратлари, молиявий ресурслар тақчиллиги туфайли жаҳон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари эса кетма-кет уч йил давомида олсмайди.

Минг афсуски, халқро ҳуқуқ нормалари ва дипломатия кучи заифлашмоқда. Энг ачинарлиси, инсоният учун энг долзарб муаммолар — озиқ-овқат хавфсизлиги, камбағаллик, иқлим ўзгаришлари каби масалаларга эътибор қамаймоқда. Дунёда тинчлик, адолат ва инсон қадрига бўлган умумий ишончни тиклаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Биз Украина билан боғлиқ вазиятни фақат дипломатик йўлар билан ҳал этиш зарур деб ҳисоблаймиз, ва Истанбулда бўлиб ўтаётган тўғридан тўғри музокара-ларни олсмайди.

Шу билан бирга, қўлдан бўён чўзилаётган Ғазо фо-жасига эътиборингизни қартамқоқман. XXI асрда кўз ўнгимизда қўллаб бегунох инсонларнинг нобуд бўлаётганини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Бу муам-моннинг ягона ечими — нисозни халқро ҳуқуқ меъра-лари ва қабул қилинган резолюциялар асосида адолатли ҳал қилишдир. Фаластин халқи ўз мустақил давлатига эга бўлишга ҳақлидир.

Глобал кун тартибидagi яна бир масала — бу қўш-ни Афғонистоннинг тинч ва барқарор ривожланишига қўмалаштириш иборат. Бу давлатнинг амалдаги ҳу-кумати билан халқро майдонда конструктив мулоқот олиб бориш, унинг яққалиниб қолишига йўл қўйма-лик ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Зеро, мазкур мам-лакатдаги оқсоғишталлик ва иқтисодий ривожланиш ён-атрофдаги барча минтақаларнинг узоқ мuddатли тараққиёти учун зарур омилдир.

Мен ҳозир таъкидлаб ўтган муаммолар бўйича барча шерик давлатларимизни очик ва кенг қўллами халқро ҳамкорликка чақирамиз. Чунки, форумнинг асосий мавзуси бўлган **инвестициялар — фақат иқ-тисодий тараққиётнинг эмас, балки тинчлик ва барқарорликнинг қафолатидир!**

Келинг, биргаликда шундай инвестиция муҳитини яратайликки, у даромад келтириш билан бирга, **ин-сон қадрини улғайтидиган, унинг ҳаётини манфаа-ларини таъминлайдиган ва жамият раванқига хиз-мат қиладиган мустаҳкам пойдеворга айлانسин!**

Азиз меҳмонлар! Ҳозирги қийин шароитда биз Ўзбекистонда иқтис-одий барқарорликни сақлаб қолишга асосий эътибор қаратаймиз.

Ялпи ички маҳсулотимиз саккиз йилда 2 баробар кўпайди. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткиччи 200 мил-лиард долларга етказишни ўз олимизга мақсад қилиб қўйдик.

Ўтган йили инвестиция ҳажми 35 миллиард дол-ларга, экспортимиз 27 миллиард долларга етгани — тўрт йилдан буюн ўтказиб келинаётган Тошкент халқ-ро инвестиция форумининг ҳам амалий натижасидир.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар самараси хал-қро рейтингларда ҳам ўзининг муносиб аксини топ-моқда. “Иқтисодий эркинлик индекси”даги ўрнимиз сўнгги беш йилда 48 поғонага юқори кўтарилди. Гар-вардининг “Иқтисодий мураккаблиги индекси”даги ўрнимиз 28 поғонага яхшиланди. Ўтган ойда нуфузи “S&P” агентлиги Ўзбекистоннинг суверен рейтингни прогнозини “барқарор”дан “ижобий”га оширди.

Бугун дунё иқтисодиёти янги давр ва ўзгаришлар оstonасида турганини барчамиз яхши тушунамиз. Бу эса барқарор ривожланиш йўлидан бораётган давлат-ларни кўйидаги тўртта йўналишда ҳамкорликда иш-лашга ундамоқда.

Биринчидан, “яшил” иқтисодиёт моделига ўтиш. Биз иқтисодиётимизни барқарор энергия ресурслари билан таъминлаш учун айнан “яшил” энергетикани ривожлантиришга қаттиқ бел боғлаганмиз.

Ўтган қисқа даврда бу соҳага қарийб 6 миллиард доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция кириб келди. Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 59 миллиарддан 82 миллиард киловатт-соатга етди. Ке-йинги беш йилда бу кўрсаткичи 120 миллиард киловатт-соатдан ошиб, “яшил” энергия улуши 54 фоизга етади. Шунингдек, электр тармоқларини янгилашга ҳам 4 миллиард доллар жалб қиламиз.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ҲАМДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ҚАФОЛАТИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари форумдаги нутқини дунёдаги бугунги вазиятнинг қисқача таҳлили-дан бошлади. Бугунги кунда геосиёсий жараён-лар шиддат билан ўзгариб, глобал хавфсизлик ва барқарор тараққиётга таҳдидлар кучайиб бо-раётгани таъкидланди.

Иқтисодий инқирознинг кескинлашуви ва молиявий ресурслар тақчиллиги натижасида жа-ҳон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари кетма-кет учинчи йил пасаймоқда.

Ўзбекистон раҳбари минтақавий можаролар ва муаммоларни фақат дипломатик воситалар билан, халқро ҳуқуқ нормалари ва принциплари асосида, БМТ резолюцияларига мувофиқ ҳал этиш муҳимлигини таъкидлади.

— Мен ҳозир таъкидлаб ўтган муаммолар бў-йича барча шерик давлатларимизни очик ва кенг қўллами халқро ҳамкорликка чақирамиз. Чунки форумнинг асосий мавзуси бўлган инвестиция-лар — фақат иқтисодий тараққиётнинг эмас, бал-ки тинчлик ва барқарорликнинг қафолатидир, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон етакчиси фафакат даромад кел-тирадиган, балки инсон қадрини улғайташ, унинг ҳаётини манфаатлари ва жамият тараққиётини таъминлаш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хиз-мат қиладиган инвестиция муҳитини яратишга чақирди.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини таъминлаш борасидаги ютуқларига алоҳида тўғталиб ўтилди. Сўнгги 8 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти икки баробар кўпайди. Бу кўрсаткиччи 2030 йилга бориб 200 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. 2024 йилда инвестициялар ҳажми 35 миллиард долларга, экспорт эса 27 миллиард долларга етган.

Сўнгги 5 йил ичида Ўзбекистон Иқтисодий эркинлик индексида 48 поғонага, Гарвардининг

Иқтисодиёт мураккаблиги индексида 28 поғона-га кўтарилди.

Ўтган ойда нуфузи “S&P” агентлиги Ўзе-бекистоннинг суверен рейтингни бўйича прогнозини “барқарор”дан “ижобий”га кўтарди.

Бугун жаҳон иқтисодиёти янги ўзгаришлар оstonасида турганини таъкидлаб экан, Ўзбеки-стон Президенти тўртта муҳим йўналиш бўйича ҳамкорлик қилиш муҳимлигини кўрсатиб ўтди. Биринчиси — “яшил” иқтисодиёт моделига ўтиш.

— Биз иқтисодиётини барқарор энергия ре-сурслари билан таъминлаш учун айнан “яшил” энергетикани ривожлантиришга қаттиқ бел бо-ғлаганмиз, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Кейинги йилларда бу соҳага қарийб 6 мил-лиард доллар тўғридан тўғри хорижий инвести-циялар жалб қилинди. Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 59 миллиарддан 82 миллиард киловатт-соатга ошди. Келгуси 5 йилда бу кўр-саткичи 120 миллиард киловатт-соатдан ошиб, “яшил” энергия улуши 54 фоизга етади.

Электр тармоқларини янгилашга ҳам 4 мил-лиард доллар жалб қилинади. Жорий йилда Самарқанд шаҳрида, келгуси йилда яна 8 та ҳу-дудда электр тармоқлари хусусий шерикликка берилади.

Биринчи марта “яшил сертификат” ва угтерод бирикмалари савдосини йўлга қўйиш ре-жалаштирилган. Ўзбекистон глобал угтерод бо-зорларига қўшилиди, “Яшил Ўзбекистон” иқлим инвестициялари платформаси яратилди.

Иккинчидан, рақамли технологиялар ва сўний интеллект иқтисодиётнинг янги “драй-верн”га айланоқда.

— Мамлакатимизда шу йилнинг ўзида IT эк-спортини 1 миллиард долларга етати. 2030 йил-га бориб, бу кўрсаткиччи 5 қара ошириш учун салоҳиятимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етарли, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқларини хал-қро микёсда эътироф этилмоқда. Хусусан, Хал-қро сўний интеллектга таъйинлаш индексида мамлакатимиз бир йилда 17 поғонага кўтарилди. Келгуси йилда “Булутли технологиялар” миллий платформаси ишга туширилади. Яқин 5 йилда хусусий инвесторлар билан бирга 500 ме-гаваттдан зиёд қувватли 20 та дата-марказ барпо этилади.

Бой тарихимиз, қадриятларимиз ва янги креатив ғояларни мукассам этадиган миллий сўний интеллект моделини ишлаб чиқиш ре-жалаштирилган. Ушбу тизим самарадорлигини таъминлаш мақсадида “Бир миллион сўний ин-теллект етакчилари” лойиҳаси бошланди.

Давлатимиз раҳбари биргаликдаги сый-ха-ракатлар билан Ўзбекистон нуфузли IT ва фин-тех хабига айланишига ишонч билдирди.

Учинчидан, молиявий тизим ва технология-лар тубдан ўзгармоқда.

— Биз яқинда Халқро валюта жағмармаси ва Жаҳон банки билан бирга Ўзбекистон молия секторини илк бор комплекс баҳолашдан ўтказ-ди. Улар банк, молия, сугурта, капитал бозори-даги ислохотларимизни тўлиқ қўллаб-қувватла-ди, — деди давлатимиз раҳбари.

Бу соҳаларни кейинги босқичга олиб чиқиш учун Молиявий барқарорлик кенашти тузилади, Марказий банк ҳузурида киберхавфсизлик ва молиявий технологиялар платформалари ишга туширилади.

Сугурта тизимида ислохотлар бошланди, Миллий қайта сугурталаш компанияси ва Гло-бал қайта сугурталаш рақамли платформаси ташкил этилди.

Стартаплар учун муқобил молиявий во-сита — венчурлар жадал ривожланмоқда. Масалан, ўтган йили иккита миллий стартап компаниясининг қиймати илк бор 1 миллиард доллардан ошди.



ЎЗБЕКИСТОН — БОЛГАРИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди. Таъкидлаш жоиз, икки давлат ўртасидаги дипломатик муно-сабатлар 1992 йилда ўрнатилган. Сўнгги йилларда олий ва юқо-ри даражадаги икки томонлама алоқалар фаоллашди.

Давлатимиз раҳбари Болгария етакчисини самимий қутлаб, сўнгги 17 йилдаги биринчи саммит тарихий аҳамиятга эга экан-лини, Ўзбекистон — Болгария дўстлик ва шериклик муносаба-тарини сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишини таъкид-лади.

Парламентлар, иқтисодиёт ва ташқи сиёсат идоралари ўр-тасидаги ҳамкорлик фаоллашгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш кўрсаткичлари ўсмоқда, кооперациянинг янги йўналишлари ва лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Гуманитар алмашинувлар амалга оширилмоқда, Бухоро ва Варна, Самарқанд ва Пловдив ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилган.

Қўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида ташқи сиёсат идоралари ўртасида тизимли алоқаларни йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди.

Савдон, энг аввало, тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё ва фарма-цевтика маҳсулотлари, металл буюмлар ва технологик ускуналар етказиб беришни кенгайтириш орқали кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Узаро савдонинг ўсишини рағбатлантириш мақсадида пой-тахтларда савдо уйлари очилди, лабораторияларни аккредита-циядан ўтказиш ва имтиёзли кредит линиялари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Агротсаноат мажмуи ва озиқ-овқат саноати, фармацевтика, геология, сўний интеллект, рақамли технологиялар ва IT, ту-ризм соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш устувор йў-налиш сифатида қайд этилди.

Самарали ер усти ва ҳаво транспорт йўлакларини ривожлан-тириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу маънода, томонлар икки давлат ўртасида тўғридан тўғри авиақатновлар-ни йўлга қўйиш имкониятини кўриб чиқишга келишиб олдилар.

Меҳнат ресурслари соҳасида тизимли ҳамкорликни йўлга қў-йиш учун Россия шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Миграция агентлигининг ваколатхонасини очили масаласи қўриб чиқилди.

Гуманитар алоқаларни, шу жумладан, академик ва илмий ал-машинувларни фаоллаштириш, жорий йилда Андижон шаҳрида

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Қозғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов давлат-имиз раҳбарига Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувлар доирасида Ўзбекистон — Қозғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва муста-ҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Товар айирбошлаш барқарор ортиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Автосаноат, электротехника, тўқимачилик, металлургия, фармацевтика, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги тар-моқларида лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Узаро савдон кўпайтириш ва устувор тармоқларда, шу жумладан, ҳудудлар даражаида саноат кооперациясининг узоқ мuddатли дастурини шакллантириш бўйича икки мамлакат ҳу-куматлари томонидан мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар қў-рилиши муҳим экани қайд этилди.

Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Прези-дент Администрацияси раҳбари Адилбек Касималиев давлати-миз раҳбарига Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапа-ровнинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги дўстлик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳ-камлаш, савдо ҳажмини ошириш, саноат кооперациясини кен-гайтириш, ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алма-шинувини фаоллаштириш масалалари қўриб чиқилди.

Энергетика ва транспорт коммуникацияларидаги йирик минтақавий лойиҳаларни, шу жумладан, Қамбарота ГЭС-1 ва “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши-ни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда ўтказиладиган Ҳўкуматлараро комиссия ва Ҳудудлар раҳбарлари кенашининг навбатдаги йигилишларини самарали ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода давлатимиз раҳбарига Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон — Тожикистон дўстлик, яхши қўшнчилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини олий даражадаги келишувлар ижроси доирасида янада мустаҳ-камлашнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

етақчи олий таълим муассасалари ректорларининг учрашувини ўтказиш ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, келгуси йилда Ўзбекистон ва Болгария мада-нияти ҳамда киноси ҳафталигини ташкил этишга келишиб олинди.

Эришилган келишувлар ижроси устидан тизимли назоратни таъминлаш мақсадида томонлар қўшма “йўл харитаси”ни қабул қилиш ва Ҳўкуматлараро комиссия ҳамраислари даражасини ошириш, унинг ишига ҳудудлар ва йирик компаниялар раҳбар-ларини жалб қилишга аҳдлашилди.

Учрашув якунида Президент Румен Радев Президент Шавкат Мирзиёевни ўзи учун қулай вақтда жавоб таширфи бил-лан Болгарияга боришга таклиф этди.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзе-бекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Болга-рия Республикаси Президенти Румен Радев Икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида қўшма декларацияни им-золадилар.

Етакчилар ҳузурида икки томонлама ҳўжатлар, жумладан, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2026-2027 йилларга мўл-жалланган ҳамкорлик дастури ҳамда Тошкент ва София шаҳар-лари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида-ги битим алмашилди.

Олий даражадаги музокаралар якунида Қўксарой қароргоҳи-да дарахт экиш маросими бўлди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Румен Радев халқлари-миз дўстлиги ва ҳамкорлиги, икки томонлама муносабатлар та-рихида янги саҳифа очилгача муштарак иттиштининг ифодаси сифатида Фахрий меҳмонлар хиёбонида дарахт экидлар.

Шу кун олий мартабали меҳмон “Янги Ўзбекистон” боғига таширф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Румен Радев ушбу муаззам боғнинг бунёд этилиш тарихи билан танишди. Монументда акс эттирилган буюк алломалар, қаҳрамон саркарда ва жаҳонгирлар, жаҳид боболаримиз ҳақида сўзлаб берилиди.

Делегация аъзолари “Янги Ўзбекистон” мажмуасининг ғоя-вий ва меъморий ечимларига эътибор қаратди. Бу ердаги бог — ноб дарахт ва гул-чақчақлар, амфитеатр, фавворалар уйғунлиги эътироф этилди.

Болгария Республикаси Президенти Румен Радевнинг Ўзе-бекистонга расмий таширфи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Қўп қиррали ҳамкорликда юксак даражага эришилгани мам-нуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ва юк ташиш ҳажми ортмоқда, саноат, энергетика, электротехника, тўқимачи-лик, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа устувор тармоқларда коопе-рация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Самарали ҳудудлараро алоқалар ва фаол маданий-гуманитар алмашинув йўлга қўйилган.

Шерикланиб янги иқтисодий кун тартибини шаклланти-риш, товар айирбошлашни кўпайтириш бўйича тасйирчан чо-раларни ишлаб чиқиш, кооперация ва чегаралоли ҳамкорлик лойиҳаларини фол илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Россия Федерацияси Ҳўкумати Раисининг ўринбосари Алек-сандр Новак давлатимиз раҳбарига Россия Президенти Влади-мир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди ҳамда форум муваффақиятли ўтаётгани билан табрикланди.

Ўтган йили май ойда Россия етакчисининг Ўзбекистонга давлат таширфи ва олий даражадаги бошқа мулоқотлар давоми-да эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари қўриб чиқилди.

Энергетика соҳасидаги ўзаро манфаатли шерикликни кен-гайтириш, нефть-газ тармоғидаги қўшма лойиҳаларни жадал-лаштириш, тинч атом соҳасида ҳамкорликни янада ривожлан-тиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Ноқергули Атагулиев давлатимиз раҳбарига Туркменистон Пре-зиденти Сердар Бердимухамедов ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Халк Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов-нинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшнчилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада рив-ожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодиёт, транспорт-коммуникация, энергетика, сув ҳўжалиги соҳаларида кенг қўллами ҳамкорлигининг янги кун тартибини шакллантириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларда кооперацияни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қарати-лди.

Бўлажак Ҳудудлар форуми ҳамда қатор қўшма ишбилармон-лик ва маданий тадбирларга пухта тайёргарлик қўриш муҳим экани таъкидланди.

ЎзА

ЎзА



ХАЛҚИМИЗНИ ЯНАДА БИРЛАШТИРГАН УНУТИЛМАС ЮТУҚ

Бошланиши 1-бетда

Буни футболсевар халқимиз кўп йиллар орзиқиб кутган эди. Терма жамоамиз бундан олдин етти марта саралашларда қатнашиб, мундиалга чиқа олмаганди. Ҳар доим ё тақвим, ё голлар нисбати, ё маҳорат етишмаслиги сабаб бўлиб қолаверарди.

Ҳеч қандай сабаб-баҳонага ўрин қолмаслиги учун эса футболчилар кучли ҳамда пойдевор мустаҳкам бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги қарори билан 2018-2022 йилларда футболни янада ривожлантириш дастури қабул қилинган эди. Истеъдодли ёшларни танлаш, кейинчалик профессионал этиб тайёрлаш ҳамда миллий терма жамоалар захирасини яратиш мақсадида 14 та ҳудудда болалар ва ўсмирлар футбол академиялари ташкил этилди. Машгулот ва мусобақаларда сифат ошди. Мураббийлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларга эътибор кучайди.

2019 йил 4 декабрда Президентимиз “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони имзолади. Унда клублар фаолиятини ривожлантириш, халқаро даражадаги мутахассислар тайёрлаш, терма жамоаларнинг ўқув-машгулот жараёнини замонавий ташкил этиш, мамлакатимизда нуфузли мусобақалар ўтказиш мақсадида белгиланган эди. 2023 йил 7 апрелда қабул қилинган оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришга оид Президент қарори ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Бундай эътибор ва тизим туйфайли бирин-кетин натижалар кела бошлади. 2018 йилда U-23

жамоамиз Хитойда, 2023 йилда U-20 футболчиларимиз Ўзбекистонда ўтган мусобақаларда Осиё чемпионлигини қўлга киритди. Юртимизда ФИФА ва ОФК дастуридаги турнирларни ўтказиш йўлга қўйилди.

2024 йилда ўзбек футболни ривожига янги саҳифа очилди — 23 ёшгача бўлган терма жамоамиз биринчи марта Олимпия ўйинларида иштирок этди.

Ютуқ ва хурсандчиликлар бу йил ҳам давом этмоқда. Яқиндагина, апрель ойида Саудия Арабистонидан ўтган мусобақада 17 ёшгача бўлган ўсмирларимиз Осиё кубогини қўлга киритиб, жаҳон чемпионатида йўлланма олган эди. Мана энди асосий терма жамоамиз ҳам янги тарих яратди.

Ўзбекистон ушбу 3-саралаш босқичининг “А” гуруҳидан ўрин олган эди. Қарийб бир йил мобайнида Эрон, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари, Қирғизистон, Шимолий Корея футболчилари билан баҳс олиб борилди. 5 июнь куни ўтган БАА — Ўзбекистон ўйинида дуранг қайд этилди. Натижада 9-тур якунларига кўра, терма жамоамиз очколари сони 18 тага етди ва жаҳон чемпионатида чиқиш кафолатланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу муносабат билан йўллаган табригида футболчиларимиз чинакам жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб, халқимиз орзусини рўёбга чиқарганини таъкидлади.

“Аминман, бу тарихий ютуқ халқимизни эзгу мақсадлар йўлида янада бирлаштиради, мингминглаб ёшларимиз учун илҳом манбаига, ибрат тимсолига айланади, Янги Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилади”, деди давлатимиз раҳбари.

Чиндан ҳам бу тарихий воқеа бутун халқимизни бирлаштирди, қувонтирди. Шу боис, сўнгги турдаги Ўзбекистон — Қатар ўйини байрамга айланиб кетди.

Учрашув ўз жонқуярлари олдида ўйнаган ҳамюртларимизнинг тўлиқ устунлигида ўтди. Якунда Ўзбекистон 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 июндаги фармонида мувофиқ, Ватанимиз тарихида биринчи марта жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритгани, ёш авлодни спортга меҳр ва миллий ғурур руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари ва мураббийларидан бир гуруҳи мукофотланган эди. Ўйиндан кейин ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Давлатимиз раҳбари қаҳрамон спортчиларимизга faxрий унвон, орден ва медалларни топширди. Шунингдек, терма жамоамиз аъзолари ва мутахассисларига ВУД автомобиллари совға қилинди.

Президентимиз билан ўйинни Болгария Президенти Румен Радев ва Словакия Бош вазири Роберт Фицо ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари ҳукумат раҳбарлари биргаликда қузатди.

Футбол байрами дронлар ва мушаклар шоуси билан якунланди.

2026 йилги жаҳон чемпионати 11 июндан 19 июлгача АҚШ, Канада ва Мексикада бўлиб ўтади. 48 та жамоа 12 та гуруҳга бўлиниб, баҳс олиб боради. Гуруҳларда биринчи-иккинчи ўринни эгаллаганлар ҳамда натижалари энг яхши 8 та унвончи ўрин соҳиблари кейинги босқичга йўл олади. Ўзбекистон ифтихори бўлган футболчиларимиздан бу мусобақада ҳам яхши натижалар кўтиб қоламиз.

ЎЗА

БАЛЛИ

Баракалла, яшил майдонга тушиб,
Учқур отдай жавлон урганга балли!
Бўридай ташланиб, бургутдай учиб,
Арслондай қад кериб турганга балли!

Футбол бу — аёвсиз жангдир ҳар они,
Гоҳ оёқ, гоҳ лозим юрак дармони...
Бир зумда ариди элнинг армони,
Бахтидан эл бахти қулганга балли!

Ким майдонда йиғлар, кимдир панада,
Ким бахтли, ким бахтсиз бўлгай янада,
Қутиб ол, Мексика, АҚШ, Канада —
Йўлни уммон оша бурганга балли!

Тарихда қолишни хоҳлаган ўғлон,
Ўзин улуг ишга чоғлаган ўғлон,
Соҳибқирон исмин оқлаган ўйинлар,
Адолат кучини қўрганга балли!


Рақиблар, биз тараф қараб қўйинглар,
Ўзбекнинг зарбасин дарста йўйинглар,
Беҳуда сиз билган ғирром ўйинлар,
Адолат кучини қўрганга балли!

Гоҳ кулиб, гоҳ дили куйган ишқибоз,
Гоҳ ғурур, гоҳ алам туйган ишқибоз,
Юртни телба-далли суйган ишқибоз —
Ватан деб элма-эл юрганга балли!

Даврим дурдонаси буларнинг бари,
Етаклар ҳар лаҳза шоҳсупа сари,
Ғамхўр мураббийдир миллат сарвари —
Янги юрт, мамлакат қурганга балли!

Бу оддий зафармас — буюк эл ютди,
Мардона шижоат, танти феъл ютди,
Она Ўзбекистон, голиблар юрти —
Энг улуг, энг кўркем қўргонга балли!

Нодир ЖОНУЗОҚ



керак бўлган барча ишлар тизимли ва узоқ истиқболли тарзда ташкил этилди.

Бўлар худди тоғ ўсишига сабаб бўладиган табиий жараёнлар каби кўз ўнгимизда содир бўлди. Шу жараёнда соҳа мутахассиси бўлган кишилар ўзининг илмий нигоҳи ила ўзбек футболни деган улкан тоғ ўсиб келаётганини пайкаган эди.

Қувонарлиси, футболдаги ушбу ўзгаришларни мамлакатимиздаги инсталган соҳага қиёс этса бўлади. Чунки кейинги йилларда мамлакатимиз кенг қўлмали ислохотлар майдонига айлангани рости. Бир вақтлар биз учун жуда мураккаб кўринган қўллаб масалаларга ечим берилди. Оддийгина бутун ҳеч бир қийинчиликсиз пластик картаимиздаги пулни нақд қилиб оламиз. Бунинг учун банк хизматида 1 фозз ҳақ олинади. Бир пайтлар пулни нақдлаштириш, дўконда картадан савдо қилиш учун камида 15 фозз ортиқча пул сарфлашга мажбур эдик. Бу пуллар кимнингдир чўнтагига кетарди. Яъни коррупция,

адолатсизликнинг битта қиёфаси кўзимизга картадаги пуллар орқали кўринарди.

Ишдан уйга қайтаётиб қўшинининг машинасига чиқдим. Аллақачон пенсия ёшидаги Илёс ака таксичилик қилмасди.

— Ишламайсизми? — дедим тумандаги “Тез ёрдам” ҳайдовчиси бўлган қўшинини сўроққа тутиб.

— Уттиз йилдан кўп бир жойда ишладим, энди дам олайлик, ёшлар ишласин, — деди қўшним. Қизқишим устун келиб, ўша замонларда қандай ишлагани ҳақида сўрайман.

— Бир кунда нечта қақирувга чиқар эдингизлар?

— Битта ё иккита қақирувга борардик. Бир кунга 5 литр бензин бериларди. Бу билан қаерга борардик?! Шунинг учун қақирув бўлса, бензин сўрардик. Касал одамга бензин ахтаргандан кўра, такси чақириб келиш осон эди-да. Бензин ҳам, дори-дармон ҳам йўқ эди.

Шунинг учун ишда ҳайдовчилик эмас, устачилик, фаррошилик қилардик. Гоҳида кунни соялаб ўтказардик.

— Ҳозир-чи?!

— Қақирув кўп. Бензин берилппти, дори-дармон бор. Баъзи одамлар бир кунда уч мартаб қақиради.

Бу ўйлаб топишган воқеа эмас. Кечаги ва бутунги кунимиз ўртасидаги бундай фарқни барчамиз яхши биламиз. Ёдингизда бўлса, тез тиббий ёрдам тизими қандай ишлагани давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи текшириб кўрган, ҳолатни тубдан билгани боис, илк кунларданоқ соҳани ислоҳ қилишга киришган эди.

Худди футболдаги ҳолат, илк қадамлар ёдингизга тушдими?! Энди ҳар соҳа бўйича мана шундай таҳлил қилиб кўринг. Сўнг ушбу ислохотлар изчил давом этаётганини ҳисобга олиб, келажак ҳақида ўйланг. Қўряпсизми, катта йўлга чиққан янги Ўзбекистон кеча қаерда эдию, бутун қай манзилга етди. Эртанги кунимиз эса бундан ҳам ёруғ бўлади. Зеро, юртимиздаги ислохотлар инсон қадрини улуғлашга қаратилган. Бундай ўзгаришлар ижобий натижалар сари бошланиш шубҳасиз...

Шулар ҳақида ўйлаб, “Бунёдкор” стадионидан кечган Ўзбекистон — Қатар терма жамоалари баҳсини қузатар эканман, шарҳловчининг “Толл!” деган ҳайқирмадан хушёр

тортдим. Ўйинда терма жамоамиз ҳисобини очди. Азиз Турғунбоев рақиб дарвозасини аниқ мўлжалга олди.

Бу гол шунчаки ҳисоб эмас. У узоқ муддат давом этган машаққатли меҳнат самараси. Айни пайтда юқорида бот-бот такрор айтганимиз — ИШОНЧнинг амалий ифодаси. БААдаги ўйин олди бўлган босимларни эсланг. Бир оз аввал ёшлар терма жамоаси мисолида улар ўзбек футболни тубдан ўзгарганини, ўйинчилар мухлислари — халқимизнинг олқишидан чексиз қувват олишини тегинишини гол билан яқунлаб, ўйинга нуқта қўйди — 3:0. Айни дам мухлислар қўлловидан оладиган қувват ўз кучини кўрсатди...

Шу кунларда тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтмоқда. Унда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, шундай деди: “**Инвестициялар — фақат иқтисодий тараққиётнинг эмас, балки тинчлик ва барқарорлиқнинг кафолатидир!**”.

Ҳа, биз танлаган йўл — бутун дунё тинч бўлсин, мамлакатлар етакчилари ҳар қандай келишмовчиликни тенг ҳуқуқий асосга эга дипломатик мулоқотлар орқали ҳал этиши керак деган ҳаётбахш қақирувга асосланган. Айнан шу боис, бутун футболчиларимиз голи бўлса, бутун Марказий Осиё халқлари бирдек қувоняпти. Юртдошларимиз бир бўлсак ягона халқ, битта ватан эканлигини юракдан ҳис этиб яшаяпти. Бунга кўчаларни тўлдириб байрам қилган халқимиз мисолида яна бир бор гувоҳ бўлдик. Улар ташқаридан қараганда футболчиларимизни қўллаб-қувватлади. Аммо бу олқишлар замирида давлатимиз раҳбари бошлаган ислохотларга ишонч бор. Ҳа, мундиал йўлланмаси бизга мана шундай ҳаётий ҳақиқатларни аниқлаш имконини берди. Шу билан бирга, қалбимизга чексиз ғаж туйғусини жўш урдириди. Бу фарҳанг шонор дўстимиз Зоҳиджон Олов қуйидагича изҳор қилди: “**Ҳайр, эй надомат, ҳайр, эй алам! Уттиз тўрт йил кутдик бу кунни маҳтал — Ниҳоят! Ушанди бизнинг орзу ҳам! Салом, катта футбол, салом Мундиал!**”.

Бутун қанча фахрлансак, қандай катта байрам қилсак арзийди. Зеро, олис ва ёруғ манзил сари йўлга чиққан катта қарвон маълум муволафат етгач, мана шу тарзда қувват олади. Сўнг янгича куч ва шуқуҳ билан яна йўлда давом этади.

Президентимиз терма жамоамизга йўллаган табригида: “**Сизлар футбол майдонларидаги мана шундай шонли ютуқдан янги куч ва руҳ олиб, келгуси йили АҚШ, Мексика ва Канада давлатларида бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёнинг биринчи ва ягона вакили бўлишдек юксак шарафни чуқур ҳис этган ҳолда янада катта жонбозлик кўрсатасизлар, деб ишонаман**”, деган эди. Бу ўша биз айтмоқчи бўлган олдандаги йўлди. Унинг ёруғ ва эсда қоларли воқеаларга бой бўлишига ишонамиз!

Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Тоғларнинг ўсиши жуда кўп илмий баҳсларга сабаб бўлган мураккаб жараён. Аммо бир ўзгармас ҳақиқат бор, улар миллион, ҳатто миллиард йиллар давомида пайдо бўлган. Ҳатто ҳозир ҳам аста-секин ўсиб келаётган тоғлар бор. Ҳа, кўз ўнгимизда шундай мўъжиза рўй берапти. Аммо уни доим ҳам пайқайвермаймиз. Вақт ўтиши билан у юксак чўққига айланади. Ушанда одамлар учун у ҳам одатдаги тоғлардан бири сифатида қабул қилинади. Тараққиёт йўли ҳам худди шундай. Бу ҳақида бир оз кейин тўхталамиз.

Гап шундаки, тоғ ўсишидай инсон ақли етмайдиган мураккаб жараён ҳам ўзининг аниқ формуласига эга эканига шубҳа йўқ. Зеро, ўсиш қайси шаклда бўлмасин, ҳеч қачон ўз-ўзидан содир бўлмайди. Ҳозирги шуқуҳли кунларимиздан мисол. Узоқ йиллардан бери қўтилган қувончли воқеа содир бўлди. Ўзбекистон терма жамоаси тарихда илк бор футбол бўйича жаҳон чемпионатида йўлланма олди.

Ушбу тарихий воқеадан халқимизнинг кўнгилли тоғдек кўтарилгани рости. Одатда кўнгилнинг тоғдай ўсиши унинг бандлигига ишора қилиб айтилади. Бу ўринда маскур ибора муволафасиз маъно ҳам касб этмоқда. Яъни янги Ўзбекистонда халқни рози қилиш йўлидаги ўзгаришларни нисбатан тоғдек ишонч бўй кўрсатди. Бизни ягона ватан, бир бутун халқ бўлиб янада янги марралар сари бошлайдиган ишонч, сўнмас умид пайдо бўлди.

Ҳа, Ўзбекистон учун жаҳон чемпионатида чиқиш спортдаги катта ғалаба билан бирга йирик иқтисодий фойда ҳам келтиради. Натижада халқаро майдонда мамлакатимиз имижини янада ўсади. Муҳими, халқимиз бутунги ўзгаришлар юксак натижа кўрсата бошлаганига яна бир қарра амин бўлди. Юқорида таъкидлаганимиздек, ишонч тоғи юксалди.

Шу ўринда савол туғилади. Бунга қандай эришдик? Бу саволга бирданги жавоб беришга бир оз қийналишимиз мумкин. Зеро, юқорида айтганимиздек, кўз ўнгимизда тоғ юксалиб келаётган эди. Уни қўриб-билиб турсак-да, бу қадар тез юксалишини, очиги, билмас, тасаввур ҳам қила олмасдик. Ёдимда, 2018 йил 27 январь куни Ўзбекистоннинг 23 ёшгача бўлган терма жамоаси Осиё чемпиони бўлган эди. Қор қоплаган стадионда Ўзбекистоннинг оддий оиладан чиққан, чинакам истеъдодига қараб саралаб олинган ўғлонлари қаҳрамонлик кўрсатганди. Ҳамма сир ана шунда. Яъни таниш-билишчиликка барҳам бериб, футболда адолат ўрнатилганда эди.

Давлатимиз раҳбари ўшанда: “**Агар адолат бўлса, коррупцияга йўл қўйилмаса, қандай натижага эришиш мумкинлигини мана шу футбол кўрсатди!**” деганди. Бутун бемалол айта оламизки, адолат барқарор бўлса, бошланган ишлар ортга қайтмас тус олса, натижа қай даражада тез юксалишини жаҳон чемпионати учун қўлга киритилган йўлланма кўрсатди.

Президентимизнинг ўзи спортнинг бош менежери бўлди. Футбол турли “ўйин”лардан тозаланди. Соҳага фидойи, ислохотларни теран ҳис этадиган масъуллар жалб этилди. Давлатимиз раҳбари бир неча маротаба ФИФА раҳбарияти билан учрашувлар ўтказди. Умуман, соҳа ривож учун бажарилиши



Дарҳақиқат, жаҳон чемпионатида чиқиш шунчаки воқеа эмас. У чиндан тарихий ва мамлакат тараққиёти учун жуда катта фойда келтирадиган қувончли ҳолат. Аввало, футбол бўлган жомавий ўйин. Унинг тақдирини бир ёки икки киши ҳал қилмайди. Унга мухлислик ҳам жамоавийликнинг талаб этади. Умуман, футбол бор жойда киши билмас, худди тоғ ўсиши каби аҳиллик шаклланиб боради. Шу боис, уни миллионлар ўйини дейишарди.

Эҳтимол, қайсидир мамлакатда бокс ёки тенниснинг мухлиси топиламаслиги мумкин. Аммо дунёнинг инсталган ҳудудда футболга қизиқадиган минглаб, миллионлаб одамлар топилади. Ана шу қизиқиш, мухлислик уларни бирлаштиради. Катта кучга айлантиради. Шу боис, мундиалга йўлланма олган мамлакатлар одатда уч кунлаб тўй беради.

Қолаверса, масаланинг иқтисодий томони ҳам бор. Бундай мамлакатларга турнирда қатнашиш учун тайёрловдан бошлаб гуруҳ босқич иштироки ва кейинги босқичлар учун яхшигина мукофот пули берилади. Бундан ташқари, рекламадан даромад кўриш, сайёҳларни мамлакатга жалб этиш мумкин. Абдуқодир мисолида бунинг гувоҳи бўлдик. У “Манчестер Сити”га ўтгач, дунё бўйлаб миллионлаган мухлисларга эга бўлди. Улар Абдуқодирнинг 45 рақами туширилган спорт либосини сотиб оляпти. Энди тасаввур қилинг, бутун бошли терма жамоамиз худди шундай мухлис тўпласа-чи!

Пойтахтимиз кўчаларида бугун байроқлар одатдагидан кўпроқ. Давлатимиз байроғи билан ёнма-ён ҳилпираб турган бошқа байроқлар мамлакатимизнинг нуфузли меҳмонларни кутиб олаётганига ишора. Уларни юртимиз ҳаётидаги энг муҳим тадбирлардан бири — IV Тошкент халқаро инвестиция форуми яна бир бор азим шаҳримизга чорлади. Жорий ҳафтанing асосий воқеасига айланган мазкур тадбирда қарийб 100 мамлакатдан 3000 га яқин меҳмон, хусусан, етакчи инвесторлар, ҳукумат ва молия институтлари вакиллари ҳамда бизнес эгалари иштирок этмоқда.

Нуфузли форум юртимизда тўртинчи бор ўтказилмоқда. Бу йилгиси иштирокчилар сони, мавзу ва лойиҳалар қамрови жиҳатидан анча кенг. Давлатимиз раҳбари форумда сўзлаган нутқида тадбир қатнашчиларига алоҳида миннатдорлик билдириб, “Келинг, биргаликда шундай инвестиция муҳитини яратайликки, у даромад келтириш билан бирга, инсон қадрини улуғлайдиган, унинг ҳаётини манфаатларини таъминлайдиган ва жамият равиолига хизмат қиладиган мустақам пойдеворга айлانسин!”, деди. Хорижликларнинг аксарияти Тошкент халқаро инвестиция форумида аввал ҳам иштирок этган. Қатнашчилар тадбир йил сайин юқори даражага кўтарилаётгани, кўлами кенгайиб бораётганини эътироф этмоқда. Муҳокама қилинаётган мавзулар, ўртача ташланаётган масалалар ҳам янгилиги, долзарблиги билан меҳмонлар эътиборини тортмоқда. Буни форум кун тартибидан ҳам кўриш мумкин. Турли давлатлардан келган делегатлар форум доирасидаги мулоқот ва учрашувларда маъруза қиляпти. Халқаро мутахассислар бир платформада жам бўлиб, минтақанинг барқарор иқтисодий ривожига хизмат қилувчи муҳим лойиҳа ва ҳамкорлик ташаббусларини муҳокама қиляпти.

ИЛК ИНВЕСТИЦИЯ КЎРГАЗМАСИ

Одатда Тошкент халқаро инвестиция форуми чет эллик ишбилармонларнинг мамлакатимиз иқтисодий имкониятлари билан танишуви, маҳаллий корхоналар вакиллари билан мулоқот қилиб, ҳамкорлик ўрнатилиши учун шароит яратди, фол платформага айланади. Жорий йилда эса хорижлик меҳмонларни бевосита миллий маҳсулотларимиз билан таништириш мақсад қилинган. Бунинг учун форум доирасида илк маротаба Миллий инвестиция кўргазмаси ташкил этилди. Унда юртимизда тез ривожланаётган нефть-кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш каби 10 дан ортқ соҳада фаолият юритаётган 90 дан зиёд маҳаллий корхона маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.



“Янги Ўзбекистон” боғи томон кетаверишда яна ўша ҳилпираб турган байроқлар эътиборни тартади. Улар орасида IV Тошкент халқаро инвестиция форуми рамзи туширилгани ҳам бор. Ҳар бири меҳмонларни пойтахтимиздаги САЕХ кўргазмалар мажмуасига йўналтираётгандек. Бойси, инвестиция кўргазмаси айни шу манзилда бўлиб ўтмоқда. Тадбир туфайли мажмуа ўзига хос кўринишда, иштирокчи ва меҳмонлар билан гавжум. Меҳмонлар тез ўзимизнинг маҳаллий саноат корхоналари. Улар кенг-мўл кўргазма майдонида миллий брендими остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни намойиш этмоқда. Электротехника маҳсулотлари павильонига кўзимиз тушганда “Ўқинг йилларда юртимизда ишлаб чиқарилган маший техникаларни ўзимиз ҳам менсимасдик. Сифати талабимизга жавоб бермасди. Буни қарангки, охириги йилларда ушбу соҳа жуда тез ривожланди. Ҳозир ҳар биримизнинг уйимизда миллий техника маҳсулоти бор”, деган фикр ҳаёдан ўтди. Бугун миллий брендаги маҳсулотлар хориж бозоридида оммалашиб бормоқда. Қатор жиҳатлар ушбу тармоққа қизиқувчи инвесторларни кенг жалб этапти.

— Электротехника саноати ривожланиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг драйверига айланиши осон кечмади, — дейди “Ўзэлектросаноат” уюшмаси матбуот котиби Намоз Толипов. — Маҳаллий корхоналар бозор топишга жуда қийналган, бошқа муаммолар ҳам кўп эди. Кейинроқ давлатимиз ташаббуси билан тармоқ кўллаб-қувватланиб, мутлақо янги босқичга олиб чиқилди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ҳуқуқий ҳужжатлар асосида кўллаб имтиёз ва имкониятлар берилди. Тадбиркорлар халқаро бозорга чиқа бошлашга, хориж амалиётини ўрганиб, рақобатбардош, жаҳон стандартларига мос, талаб юқори электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқара бошладди. Давлат бераётган имтиёзлар корхоналарни янада рағбатлантиряпти, экспорт имкониятини кенгайтормоқда. Масалан, ҳозир давлат компенсация асосида маҳсулотларни халқаро кўргазмаларга бепул етказиб беради. Халқаро сифат сертификатларини олишда ҳам харажатларни қоплаб бермоқда. Бугун тармоқда 500 дан ортқ корхона фаолият юряпти. Охириги 5-6 йилда ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 8 баробар ошган. Ўтган йили 30 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткичи 40 триллион сўмга етказиш кўзланган. Ана шу ўсиш суъяти ҳам инвесторларни жалб қиляпти. Хусусан, ўтган йили тармоққа 200 миллион долларга яқин инвестиция киритилган бўлса, жорий йилда ушбу суммани янада ошириш мақсад қилинган. Қиймати 1,7 миллиард долларлик маҳсулотни экспорт қилиш кўзда тутилган. Бойси, хорижда маҳсулотларимизга талаб ошган. Бундан 5 йил олдин электротехника корхоналари 10-15 та давлатга маҳсулот экспорт қилган бўлса, ўтган йилдан бошлаб 72 та давлатга товар юборяпмиз. IV Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида илк бор ўтказилаётган миллий кўргазма маҳаллий корхоналарга янги инвесторлар, потенциал ҳамкорлар топиш имконини беради. Кўргазмада “Ўзэлектросаноат” уюшмасига аъзо 10 дан ортқ корхона қарийб 200 турдаги маҳсулоти билан иштирок этапти. Уларнинг янги лойиҳалари инвесторларга тақдим этилмоқда. Ўзаро музокараларда кўшма лойиҳалар ҳақида сўз борапти. Кўргазмада нафақат пойтахт ёки унга яқин ҳудудлар, балки юртимизнинг энг чекка жойларидида фаолият юритаётган корхоналар ҳам қатнашмоқда. Уларнинг айримлари фаолиятини яқинда бошлаганига қарамай, аллақачон Европа, океанорти мамлакатлари бозорига чиққан. Бу ҳам маҳаллий корхоналарнинг имконияти, салоҳиятини намоеъ этади. Хорижнинг кўргазмада иштирок этаётган гигант компаниялари, йирик бизнес вакиллари ана шу жиҳатларга бевосита гувоҳ бўлиб, ишонч билдирса, янада манfaatли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилади.

МИЛЛИЙ БРЕНДЛАР — ФАХРИМИЗ

Инвестиция кўргазмаси маҳаллий тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўргазма майдони бўйлаб юрарканмиз, павильонларни беэаб турган миллий маҳсулотларнинг аксарияти барчамизга таниш, сифати ва номи билан халқ орасида оммалашган брендларга тегишли эканига кўзимиз

тушади. Табиийки, уларни жаҳон бозоридида ҳам яхши билишади. Сўрасангиз, экспорт қиймати фалон доллардан экани дарров айтилади. Бу ҳам хорижликларнинг маҳсулотларимизга қизиқаётганидан далолат. Инвесторларни жалб қиладиган бошқа жиҳатлар ҳам бор. Бир

тадбиркор билан суҳбатлашсак, хориж компаниялари маҳсулот излаганида, бошқа давлатникийни эмас, айнан Ўзбекистонникийни сўрагани, биздан олиш унга арзонроқ тушиши, сифат борасида эса бошқаларникийдан кам эмаслигини айтгани ҳақида гапирди. Биз кўпинча

экспорт ҳақида рақамларни келтирамиз, аммо жараёнда мана шундай жиҳатлар ҳам бор. Буни маҳаллий тадбиркорлар яхши билгани боис, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интиляпти, шу билан чет эл бозорларини эгалляпти.

Бекзод СОЛИХОВ, “Fonon” заргарлик корхонаси тижорат директори:

— Ўзбекистоннинг заргарлик саноатидаги корхоналар аввал фақат хомашё экспорт қилган. Ишлаб чиқариш қуввати деярли йўқ эди. Кейинги йилларда ушбу йўналишда кўплаб имтиёзлар берилиши натижасида энди биз ҳам хомашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаряпмиз. Авваллари хориждан импорт қилинган заргарлик буюмларининг барча тури бугун юртимизда ишлаб чиқариляпти. Айниқса, хотин-қизлар қизиқадиған давлатларнинг тилла тақинчоқлари ҳам сифат жиҳатидан кам бўлмаган ҳолда заводимизда тайёрланади. Ҳатто маҳсулотларимизни кўшни давлатлардан ташқари АҚШ, БАААга ҳам экспорт қиляпмиз.



“Fonon” заргарлик корхонаси Президентимиз ташаббуси билан 2021 йилда ишга туширилган эди. Қисқа муддатда корхона миллий бренд сифатида



ХОРИЖЛИК САРМОЯДОРЛАРНИ НИМА ЖАЛБ ҚИЛЯПТИ?

Хорижлик инвесторлар билан суҳбатлашш асносида кўпчилиги аллақачон юртимиздаги бирор соҳага сармоя киритгани, анча йиллик ҳамкорларимиздан экани маълум бўлди. Илк бор мамлакатимизга келаётган ишбилармонлар эса улар билан суҳбатлашиб, имкониятлар ҳақида эшитар экан, инвестиция киритишга қизиқиши янада ошмоқда.

Жорий йил Тошкент халқаро инвестиция форуми энергетика, инфратузилма, қишлоқ ҳўжалиги, қончилик, рақамли технологиялар ва бошқа стратегик йўналишларда умумий қиймати 30 миллиард доллардан зиёд истиқболли лойиҳаларни тақдим этади. Уларнинг ҳар бири пухта ўйланган, аниқ натижаларга олиб борадиған лойиҳалар. Чет эллик

ҳамкорларни қизиқтираётган жиҳат ҳам шунда — Ўзбекистонда юқори даражадаги инвестиция муҳити яратилгани ва маҳаллий корхоналарнинг бунга тайёрлиги ҳар жиҳатдан намоеъ бўлмоқда. Айниқса, юртимизда барча соҳа кенг ривожланиб бораётгани юқори қийматлиги инвестицияларни жалб қилишга шароит яратмоқда.

Робин БАТЛЕР, Лондондаги “Sturgeon Capital” венчур фонди директори:

— Корхонамиз IT соҳасидаги стартап лойиҳаларга сармоя киритади. Замонавий технологиялар билан боғлиқ лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, шу йўналишдаги гояларни амалга ошириш жорий этиш фаолиятимизнинг асосий йўналиши. 2012 йилдан буён фаолият юритамиз. Доим мамлакатларни ўрганиб, энг илгор стартапларни топиш ва молиялаштиришга интиламиз. Ўтган йили лойиҳалар учун жами 55 миллион доллар инвестиция киритдик. Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз 2019 йилдан бери давом этапти. Бугунга қадар мамлакатдаги қатор лойиҳалар учун 13 миллион доллар инвестиция киритдик. Масалан, “Арзон Аптека” лойиҳасини молиялаштириш учун 1,5 миллион доллар йўналтирганимиз. Инвестиция киритиш учун Ўзбекистонни танишимизнинг бир неча сабаби бор. Биринчидан, мамлакат аҳолисининг катта қисми ёшлардан иборат. Бу ерда ёш авлод вакиллари кўп. Улар илгор фикрли, замонавий технологияларни яхши тушунади. Қолаверса, интеллектуал жиҳатдан ҳам юртимизда жуда тез ўсиш кузатиляпти. Одамларда билим олиш, ахборот технологияларини ўрганиш, замонавий касбларни эгаллашга қизиқиш юқори. Бунинг ҳисобига онлайн хизматлар, соҳалар ривожланмоқда.



Барчаси IT технологиялари билан бевосита боғлиқ. Бу йўналишда бошқа давлатлар анча илгор бўлса-да, Ўзбекистон яқин йилларда уларга етиб олади. IV Тошкент халқаро инвестиция форуми Ўзбекистоннинг барча соҳадаги имкониятини яққол кўрсатади. Шунинг учун унда иштирок этаётган инвесторлар, йирик компания вакиллари, ишбилармонлар ниҳоятда кўп. Уларнинг аксари ҳамкорлик истағида келган. Гарчи корхонамиз анчадан буюн бу ерда фаолият юритаётган бўлса-да, инвестиция кўргазмасида янги ҳамкорлар топишни мақсад қилганмиз. Олти йилдан бери ишлаб, шу ерда маҳаллий ҳамкорлар топишимиз мумкинлигига амин бўлдик. Бойси, четдан туриб инвестиция киритиш анча қийин. Мамлакатнинг ўзига хос муҳити, алоҳида жиҳатлари бор. Буларни тушунадиған, яхши билидиған йирик маҳаллий корхоналарни топиб, улар билан ишлаш орқали хато қилмаслика интиляпмиз.

Тецура ЯМАСАКА, Япониядаги “Balcom Group” компанияси директорлар кенгаши раиси:

— Ўзбекистонда илк бор 2019 йилда иш бошлаганимиз. “Balcom.uz” корхонасини ташкил қилдик. Юртингизга илк келганимиздаёқ меҳрим тушган. Одамларнинг меҳнатсеварлиги, ишга қийинчи ёндашуви ва оилапарварлиги японларнинг қадриятларига жуда ўхшаш. Ана шу жиҳатлар эътиборини тартади ва доим Ўзбекистонга мамнуният билан келаман. Компаниямиз ресторанлар, кўчмас мулк қуриш йўналишида фаолият юритади. Сингапур, Хитой, Вьетнам, Индонезия каби давлатлар билан ҳамкорликда ишляймиз. Улар қаторида Ўзбекистон ҳам борлиги бежиз эмас. Чунки мамлакатингиз кейинги йилларда жуда тез ривожланаётган давлат сифатида кўплаб инвесторлар диққатини тартапти. IV Тошкент халқаро инвестиция форумига келган ишбилармонларнинг нуфузи ҳам бунинг яққол исботи. Биз ўзаро мулоқот ўтказиб, тажриба алмашиб, долзарб мавзуларда маърузалар қиляпмиз ёки тинглаяпмиз. Хуллас, Тошкент шаҳри дунёнинг катта-катта инвесторларини бир майдонда тўплади ва бу биз учун ҳам ўзига хос платформа. Асосийси, мамлакатга кириб келган инвестор тез кетиш ҳақида эмас, янгидан янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳақида ўйляпти. Компаниямиз ҳам бугунгача турли йўналишдаги



бизнесларни муваффақиятли амалга ошириб келяпти. Ресторан, кўчмас мулк объектиларини қуришдан ташқари IT йўналишидаги лойиҳаларни молиялаштиряпмиз. Ўғит ишлаб чиқарадиған “Ifoda Agro Kimyo Himoya” компаниясига ҳам 10 миллион доллар инвестиция киритганимиз. 2021 йили мамлакатимизда Ўзбекистон — Япония иқтисодий, спорт, маданият ассоциацияси ташкил қилинган. Айни пайтда ана шу ташкилот раиси ҳамда ўтган йилдан бошлаб Япониянинг қатор ҳудудларида Ўзбекистоннинг фахрий консули сифатида фаолият юряпман. Японияда Ўзбекистон маданиятини, бу ерда эса Япония маданиятини тарғиб қиладиган кўплаб тадбирлар ташкил қиладиган. Мақсадимиз икки давлат ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришдан иборат.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz



Тил — миллат кўзгуси

АМАЛИЙ ФИЛОЛОГИЯ: ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Филологиянинг тобора оммалашиб бораётган йўналиши — амалий филология тил ва адабиёт назариясидан ташқари тилни бевосита кундалик ҳаётда, турли ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳаларда қўллаш масалаларига эътибор қаратади. Анъанавий тилшунослик тилнинг ички қурилиши, грамматик тузилиши, фонетик хусусиятлари, лексик бойлиги, адабий мезонлар каби назарий масалаларни ўрганиш билан чекланса, амалий тилшунослик ушбу назарий базани ҳаётий воқеликка татбиқ этиш, тил ресурсларини реал соҳалар учун амалий қийматга айлантиришга урғу беради.



Бахтиёр МЕНГИЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Амалий филология миллатнинг тил бойликларини, жумладан, сўзлашув, расмий ҳужжатлар, ёзма ва реклама матнлари, оммавий ахборот воситалари тили, веб-сайтлар, ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий мақолаларга қабиларини таҳлил, таҳрир қилиш, зарур ҳолларда тил сиёсатини такомиллаштиришга оид тақлифлар бериш, лингвистик экспертиза ўтказиш, терминология яратиш ва бошқаларда қўрилади. Шу боис, давр талабаларига мос ҳолда филология доирасида фақат назарий ғоялар эмас, балки амалий ишлар ҳам катта аҳамият касб этмоқда.



Ҳозирги кунда дунёнинг илгор университетларида филология фанлари бўйича нафақат назарий тадқиқотлар ўтказилади, балки йирик корхоналар, ахборот технологиялари компаниялари билан ҳамкорликда турли амалий лойиҳалар бажарилади. Масалан, табиий тилни тушуниш (Natural Language Understanding), нутқни автоматик таниш (ASR — Automatic Speech Recognition), машина таржимаси (Machine Translation), матнни қайта ишлаш (NLP — Natural Language Processing) бўйича тадқиқотлар амалий филологиянинг ИТ соҳа билан узвий боғлиқлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳам йирик ИТ компаниялар ёки давлат муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилса, албатта, бу соҳа тез ривожланади, давлат тили ҳақидаги қонуннинг ижроси янада мустақамланади. Масалан, “Ўзбек тили корпуси”ни яратиш, лугатлар базасини кенгайтириш, чат ботлар тилни мувофиқлаштириш, матни автоматик таҳрир қиладиган дастурлар ишлаб чиқиш орқали давлат идоралари ишини енгиллаштириш, фуқаролар учун ўзбек тилида хизмат кўрсатишни қўлайлаштириш мумкин.

Тилни ривожлантириш шунчаки техник ёки расмий масала эмас, балки чуқур ижтимоий ва маънавий аҳамиятга эга жараён. Агар фуқаро ўз тилида раво, тўғри ва мазмунли гапириш, фикрини аниқ ифода этиш, ҳужжат тузиш, эълонлар ёзиш, ҳатто илмий ишини ўз она тилида битиш имко-

ниятига эга бўлса, бу миллатнинг маънавий даражаси, ватанпарварлик ҳисси оқсалади. Амалий филология айнан шу жиҳатга ҳам хизмат қилади — миллий тил меъёрларини мустақамлаш, ҳар бир соҳа учун назорат томонларини тақдим этиш орқали халқда фахр, гурур, маъсулият туйғуларини тарбиялайди.

Олий таълим муассасаларида филологиянинг амалий йўналишини расмий равишда жорий этиш масаласи жуда муҳим. Чунки амалий филолог бўлиш учун, аввало, тил назариясидан хабардор бўлиш лозим. Грамматик қонун-қоидалар, лексик сатҳ, фонетика ва фонология, морфология, синтаксис, стилистика асосларини пухта ўрганишдан туриб, амалий соҳада ишлаш қийин.

Иккинчидан, амалий кўникмалар керак. Фақат назарий билимлар эмас, балки реал ҳужжатлар, расмий иш юритиш, турли матнларни таҳрир қилиш, лисоний экспертиза, реклама матни тузиш, маркетинг соҳасига оид ўзига хос стилистика, кўптийлилик шароитида таржима, лугатчилик, электрон форматларда ишлаш учун синф (лаборатория) даражасида ҳам машқ қилиш лозим.

Учинчидан, методика ва тадқиқот усуллари зарур. Амалий филолог таълим муассасасини биттиргач, бўш иш ўринлари бўйича нафақат ўқитувчилик ёки илмий ҳодимлик, балки турли идоралар, нашриётлар, ахборот агентликларидан фаолият юрита олиши зарур.

Шунинг учун методик ёндашувлар, матн тузиш технологиялари, дизайн ва реклама, PR соҳалар билан ҳам таниш бўлиш лозим.

Бугунги кунгача Ўзбекистонда филология фанларидан қўллаб диссертациялар ҳимоя қилинди. Аммо уларнинг аксарияти анъанавий мавзулар, масалан, бирор адиб ижодида лексик-семантик хусусиятларни ўрганиш, грамматик қиёсий таҳлил ва ҳоказолар атрофида бўлган. Амалий филология мавзусида эса жуда кам, деярли санокчи ишлар бор, холос. Келажакда бу мавзуда ҳимоя қилинадиган диссертациялар кўиндаги соҳаларни қамраб олиши керак.



Таржима жараёнлари: “Илмий матнларни ўзбек тилига таржима қилишда атамалар муаммоси”, “Амалий филология нуқтаи назардан бадиий таржманинг хусусиятлари” ва бошқалар.

Лингвистик экспертиза методикаси: “Ўзбек тилидаги матнларда ҳақорат ва таҳдид ифодаларини аниқлаш усуллари”, “Суд лингвистикасида матн психологик таҳлилининг ўрни” ва ҳоказолар.

Бундай мавзулардаги изланишлар, бир томондан, жамиятга реал фойда келтирса, иккинчи томондан, давлат тили ҳақидаги қонун ижроси учун назарий ва амалий кўмак бўлади.



Суд лингвистикаси: “Ўзбек суд нутқ амалиёти тилининг хусусиятлари”, “Ҳуқуқий ҳужжатлар тили ва услуби” ва шу каби мавзулар.

Реклама ва маркетинг тили: “Ўзбек тилида рекламалар матн яратиш усуллари”, “Ижтимоий рекламалар лингвистик хусусиятлари” ва ҳоказолар.

Электрон матнлар тили: “Интернет нашрларида ўзбек тилининг қўлланилиши: амалий таҳлил ва такомиллаштириш истиқболлари”, “Чат ботлар нутқининг лисоний моделлари” ва ҳоказолар.

Шу ўринда бу борадаги хориз тажрибасидан мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Россияда 1990 йиллардаёқ суд лингвистикаси амалиёти шаклланган. Айрим университетлар юрислингвистика ёки амалий филология бўйича махсус мутахассислар тайиляди. Улар, асосан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, суд экспертизаси муассасаларида, айримлари эса нашриётлар, ОАВ ва реклама агентликларида фаолият юритади.

Германияда тилшуносликни амалиёт билан интеграция қилиш анъанаси жуда ривожланган. Мамлакатда йирик тиббиёт кор-

хоналари, техник заводлар, фармацевтика компаниялари ўз “амалий филолог”ларини ёллайди. Улар техник ҳужжатларни аниқ ва тушунарли тилда ёзади, қўлланмалар тузади, ўқитиш модулини ишлаб чиқади.

АҚШда ҳуқуқшунослик билан тилшуносликнинг кесичган жойида пайдо бўлган “Forensic linguistics” (суд лингвистикаси) сўнгги йилларда жуда оммалашган. Ҳатто шахсни нутқи орқали идентификациялаш, турли жиноятлар ёки киберҳужумларда гуноҳланувчининг матн услубини таҳлил қилиб, уни фаш этиш бўйича қатор механизмлар ишлаб чиқилган.

Жанубий Кореяда корейс тилидаги ИТ махсуслотлар, дастур интерфейслари, овозли буйруқлар тизимини такомиллаштириш бўйича махсус марказлар бор. Улар ҳам амалий филология ёки тилшунослик бўйича ИТ мутахассислар билан ҳамкорликда ишлайди.

Мисоллар кўрсатадиги, ривожланган жамиятда филология аллақачон назарий доирадан чиқиб, қундалик ҳаётдаги турли эҳтиёжларга жавоб берадиган, йирик лойиҳаларини йўлга қўядиган, юрт ривожига асосий устунлардан бирига айланган. Давлат тилига оид қонун Ўзбекистонда ана шу йўналишдаги ишларнинг қонуний асосини яратган, энди уни амалий филология ёрдамида тўлдириб, бойитиш, кенг қўламда амалга ошириш зарур.

Давлат тили тўғрисидаги қонун муваффақиятли ишлаши учун турли идора, вазирлик, илмий марказлар ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш, доимий равишда амалий филологларга мурожаат қилиш, улар билан бирга мажлислар, давра суҳбатлари, анжуманлар ўтказиш лозим. Масалан, Олий Мажлис ҳузурида тил сиёсатига дахлдор қўмита фаолияти янада кенгайтирилиб, амалий филологлар, социоллингвистлар, ҳуқуқшунослар, журналистлар ва ИТ соҳа вакиллари қатнашса, жуда катта самара беради.

Мамлакат имижини шакллантиришда маркетинг муҳим ўрин тутаяди. Маркетингнинг асосий қуроли реклама, ахборот, тақлиф, жамоатчилик билан алоқалардир. Ўзбекистондаги реклама махсуслотларида ҳали-ҳануз услубий, фонетик, имловий хатолар кўп учрайди, қўллаб хоризий иборалар ноўрин қўлланади. Аслида, реклама матнларини тузишда ҳам филологик ёндашув зарур. Хусусан, амалий филология вакили бренд номи, шiori, слоган, баннер, ижтимоий тармоқлардаги постлар, мақсадли аудитория билан ишлаш, бренд “овози”ни яратиш сингари масалаларда бевосита қатнашиши, хулоса бериши лозим. Миллий бренд ривожига фақат дизайн ёки ранг бериш эмас, балки нутқий таркибининг ҳам пухта ўйланган, савияли ва жозибали бўлишини талаб қилади.

Давлат тили ҳақидаги қонун нафақат ички сиёсат масаласи, балки халқаро имижга ҳам боғлиқ. Хусусан, хоризий давлатлардаги элчионалар, турли халқаро конференциялар, доимий дипломатик мулоқотларда ўзбек тилининг меъёрадаги таржималари, аниқ терминлари, пухта ишлаб чиқилган интерактив платформалари бўлса, Ўзбекистоннинг дунёдаги обрў-эътиборига ижобий таъсир кўрсатади. Айни пайтда хоризда ўзбек тили ўрганилаётган марказлар сон аста-секин ортти бормоқда. Улар учун методик қўлланма, онлайн платформа, дарслик, атамалар лугати, аудио-видеоматериаллар ишлаб чиқишда ҳам амалий филологлар муҳим роль бажариши мумкин.

“ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” — АКАДЕМИК ЭРКИНЛИК ИМКОНИЯТИ

Бош қонуниимизга кўра, давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради. Шунингдек, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиш ҳамда ривожланиши, таълим олиши, соғлигини сақлаши, уй-жойга, ишга жойлаштиришга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратаяди.


Айни ёндашувни амалда рўйбга чиқараётган муҳим институтлардан бири эса, шубҳасиз, “Эл-юрт умиди” жамғармаси.

Президентимизнинг 2025 йил 5 май куни қабул қилинган фармонига мувофиқ, жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истикболли кадрларни тайёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси этиб қайта ташкил этилди. Унинг асосий вазифалари юқори малакали, замонавий фикрловчи, ватанпарвар кадрлар эҳтиёжини аниқлаб бериш, номзодларни вазирлик, идора ва стратегик тармоқларнинг аниқ эҳтиёжлари асосида профессоронал йўналиштириш ҳамда хориждан қайтган стипендиатларга мос иш жойлари ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш ҳисобланади.

Фармон асосида яна бир муҳим ташаббус илгари сурилмоқда. Яъни 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб нафақат ёшлар, балки вазирлик, идора, иқтисодиёт тармоқлари корхоналари орасидан мақсадли стажировкага юбориладиган номзодлар рўйхати шакллантирилади. Мақсадли стажировкага юбориладиган мутахассисларнинг стажировка ўташда зарур бўладиган хоризий тилни ўрганиши учун вазирлик, идора ва иқтисодиёт тармоқларининг стратегик корхоналари томонидан тегилиш шароитлар яратиб берилади.

Шунингдек, бакалаврият, магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таълим олиш учун энг муносиб номзодларни саралаш мақсадида Ўзбекистон Президентининг “Эл-юрт умиди” стипендияси жорий этилади. Мақсуд стипендия ғолиблари очик танлов асосида тест синовлари ва суҳбат ўтказиш орқали аниқланади. Тест синовларида номзодларнинг интеллектуал, таҳлил қилиш ва креативлик қобилиятлари ҳамда психологик барқарорлиги баҳоланади.

Дунёда хоризда таълим олишни қўллаб-қувватладиган қўллаб грант дастурлари мавжуд. Улар орасида Fulbright (АҚШ), Chevening (Буюк Британия), DAAD (Германия), MEXT (Япония), CSC (Хитой), GKS (Жанубий Корея) ва Erasmus Mundus (Европа Иттифоқи) қабилар ёшлар ва илмий тадқиқотчилар орасида анча оммалашган. Бироқ бу дастурлар, асосан, иқтисодий



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун
QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



хоризлик талабаларни ўз мамлакатларига жалб этишнинг мақсад қилади, яъни уларнинг асосий стратегияси “talent attraction” моделига асосланган.

“Эл-юрт умиди” жамғармасининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу тизим “talent development and return”, яъни иқтисодий фуқароларни хоризда ўқитиб, уларни юртга қайтариш ва салохиятидан фойдаланишга асосланган ички модель асосида ишлайди. Бу жиҳатдан уни Сингапурнинг “Public Service Commission Scholarships”, Саудия Арабистонининг “King Abdullah Scholarship Program” каби лойиҳалари билан қийслаш мумкин.

Юқори малакали кадрларни тайёрлашда моддий қўллаб-қувватлаш билан бирга уларнинг академик эркинлиги ҳам муҳим омилдир. Янги тахрирдаги Конституцияда илк бор академик эркинлик қафолатланган бўлса-да, бу тамойилни ҳаётга татбиқ этиш илмий изланишлар йўлида мустақил фикр юрита оладиган стипендиатлар тайёрлаш орқали амалга ошади. “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан хоризда ўқитилаётган стипендиатлар, айниқса, илмий даража олаётган ёшлар илм-фан, таҳлил ва инновациялар соҳасида мустақил қарор қабул қилиш ва танқидий фикрлаш кўникмасига эга бўлиши орқали бу эркинлик тамойилининг амалдаги тарғиботчиларига айланиши мумкин. Шу маънода, жамғарма фаолиятига нафақат кадрлар сиёсатининг муҳим бўгини, балки академик эркинлигини мустақамловчи восита сифатида қаралиши керак.

Шу ва бошқа жиҳатлари билан “Эл-юрт умиди”ни шунчаки грант эмас, балки мамлакатимизнинг эртанги куни учун катта сармоя, десак айни муддао бўлади. Келгусидаги режалар ҳаракатлар эса жамғармани нафақат иқтисодларни ривожлантирувчи, балки академик эркинлигини таъминловчи, халқаро нуфузни оширувчи миллий институт сифатида такомиллашувига хизмат қилиши шубҳасиз.

Умид СОБИРОВ,
Тошкент давлат юридик университети
ўқитувчиси, Пенсильвания
университети магистри

Нуқтаи назар



Президентимиз жорий йил 22 январь куни олий таълим ва илм-фан соҳасидаги устувор вазифаларга оид тақдимот билан танишиш чоғида мамлакатимиз таракқиётининг таянчи сифатида бу йўналишларга катта эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлаб, янги олийгоҳлар очилгани қамровни кенгайтириб, таълим жараёнлари сифат жиҳатидан яхшиланаётганига урғу берганди.

ЗАМОН ТАЛАБИ ЁШЛАРНИНГ ЕТУК ВА САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР БЎЛИБ ЕТИШИШИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШДИР

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимиз олий таълим тизимидаги ишлар қўлами тобора ортти бормоқда, самараси ҳам узоқ куттирмади. Энг асосийси, жараён изчиллик билан давом этмоқда.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда олий таълим билан қамров кўрсаткичи 42 фоизга етган. Мазкур рақам кейинги йилларда, айниқса, яқоқл сезилмоқда. Олий таълим юртимиз таракқиётининг таянч кучи сифатида намоён бўлиб, ёшларнинг илмга, билимга, тил ўрганишга, хоризнинг етакчи олийгоҳларида таҳсил олишга иштиёқи ошмоқда.

Албатта, шариот бор жойда интилиш, изланиш бўлади. Бугун янги Ўзбекистон ёшлари ана шундай имкониятга эга. Ўқиш, ўрганиш йўллари улар учун доим очик. Бу давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида соҳани ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилган. Ушбу вазифалар ижроси замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрловчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга, олий таълимни модернизациялашга, илгор таълим технологияларини татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

Бухоро давлат университети жамоаси ҳам илмий салохиятини ошириш, ўқув жараёнига илгор технологияларни жалб этиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали илохотларга муносиб бўлишга ҳаракат қилмоқда. Жамоамиз учун май ойи, айниқса, самарали кечди. Гап шундаки, 28-29 май кунлари Андижон давлат университетида Ўзбекистон ва Озарбайжон олий таълим муассасалари форумида иштирок этдик. “Ўзбекистон — Озарбайжон: олий таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” мавзусида ўтказилган форум Ўзбекистон ва Озарбайжон Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда икки мамлакатнинг кўзга кўринган олий таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди. Улар олий таълимдаги устувор йўналишлар, илмий



Обиджон ҲАМИДОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

тадқиқот соҳасидаги ҳамкорлик ва талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг академик мобилизацияни кенгайтириш бўйича фикр алмашидик.

Форумнинг биз учун муҳим воқеаси — Бухоро давлат университети ва Озарбайжоннинг қатор етакчи олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Жумладан, Боку олий нефть мактаби ўртасида имзоланган меморандум асосида халқаро академик мобилизацион дастурлари доирасида талабалар алмашинуви ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Озарбайжон давлат иқтисодиёт университети, Ленкаран давлат университети ва Озарбайжон давлат маданият ва санъат университети билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Ушбу шартномалар таълим соҳасида қўшма дастурларни (Double Degree) жорий этиш, Erasmus+ лойиҳаларида ҳамкорликда қатнашиш, шунингдек, илмий изланувчилик ва профессор-ўқитувчилар учун академик алмашинуви йўлга қўйиш каби муҳим масалаларни ўз ичига олади.

Ҳамкорларимиз соҳада ўзига хос салохиятга эга. Хусусан, 1930 йилда ташкил этилган Озарбайжон давлат иқтисодиёт университети (ODU)да 10 та факультет мавжуд ва уларда 18 мингга яқин талаба таҳсил олади.

Ленкаран давлат университети нисбатан ёш: 1991 йилда асос солинган. Ўқув даргоҳида ҳозирги кунда 1500 дан зиёд бакалавр ва 100 га яқин магистр таҳсил олади. 250 нафар профессор-ўқитувчи фаолият юритади, уларнинг 150 нафари фан номзоди.

Озарбайжон давлат маданият ва санъат университети (ASUCA) 1923 йилда ташкил топган бўлиб, у мамлакатдаги энг йирик ва нуфузли санъат муассасаларидан бири саналади.

БухДУнинг мазкур ташаббуслари халқаро майдонда унинг нуфузини янада ошириш, талабаларга сифатли таълим имкониятларини яратиш ҳамда профессор-ўқитувчилар учун илмий изланишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, кейинги йилларда университетиимизда илмий тадқиқот олиб бориш истагида бўлган хоризликлар сон ва географияси кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда Хитой, Туркия ва бошқа мамлакатлардан тадқиқотчилар университетиимизда илмий изланиш қилмоқда.

2024 йилда малака ошириш ва илмий стажировкалардан ўттиш мақсадида 120 марта хоризий сафар амалга оширилган бўлса, уларнинг аксарияти жаҳон рейтингларида юқори 1000 таликка кирувчи олий таълим муассасаларида ташкил этилди.

Талабаларнинг касбий малакасини ошириш, замона талаблари асосида илгор технологиялар билан таништириш мақсадида йўлга қўйилган хоризда амалиёт ўташ ва таълим олиш дастурларида 136 талаба иштирок этди.

Дунёнинг нуфузли олий таълим муассасаларидан келиб, университетимизда дарс ўтган, шунингдек, иш фаолиятини юритган хоризлик мутахассислар сон 51 нафарни ташкил қилди.

Амалдаги шартнома ва келишувлар сон 240 дан орткини ташкил этади. Айни пайтда 219 талабамиз 6 та қўшма таълим дастурларида таҳсил олмақда. Ўтган йилги халқаро лойиҳалар сон 17 та бўлиб, улардан тушган маблағ 2 миллиард сўмдан орткини ташкил этади.

Европа Иттифоқининг Erasmus+ дастури доирасида олий таълимда салохиятини ошириш йўналишидаги лойиҳаларнинг 2024 йилги танловида БухДУ иштирокида 3 та лойиҳа танлаб олинди, университетимиз ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистонда биринчи ўринни эгаллади.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси танловларида 6 нафар номзод стипендианд деб топилди, ушбу ўрсаткич бўйича ҳам республикамизда юқори ўринлардан бирини қўлга киритди.

Гринметрик халқаро рейтинг тизимида университетимиз миллий координатор ҳисобланиб, 2024 йил натижаларига кўра, жаҳон рейтингини 447-ўринни эгаллади. Шунингдек, ҳозир нуфузли QS рейтингига Оснённинг энг кучли 1000 та университети рейтингига кирган. Буларнинг бари мамлакатимизда олий таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасидир.

6

2025 йил 11 июнь, 118-сон

www.yuz.uz

yuz.uznews

Албатта ўқинг!

Туташмас қалблар туташса...

(“Сўз латофати” китобидан)



Икки қалб бор. Улар шу даражада бир-биридан узокки, туташмоғи сира мумкин эмас. Бири — инсон юраги, поклик, тўғрилиқ, олижаноблик тимсоли бўлган қалб. Бошқа бири — қалбаки, қаллоб сўзларининг ўзаги, яъни эгрилик, алдамчиликни ифода қилувчи қалб. Бир-бирига батамом қарама-қарши бўлган тушунчаларнинг бир сўзда жам бўлгани таажжубли.

Қалб сўзининг нечта маъноси бор, биласизми? Бали! Мен ҳам билмайман. Келинг, бу саволни ҳам Ҳазрат Навоийга бериб кўрайлик. “Ҳазойин ул-маоний” бизга шундай жавоблар беради:

*Ушф аро холинг кўнгулар ҳайлини торож этар,
Қалб шабравлар либосин кеча олгандек асар.*

Яъни ошиқ кўнгли ёр сочларини соғинган, ҳаёлан зулф васлига етган эди. Лекин гажак орасида яширин пойлаб ётган қора хол ошиқ кўнглини тутиб олди ва торож қилди. Бамисоли **қалб шабрав — қоронғида эгри юрган** кишини асос — миршаб тутиб олгани, либосини ечиб жазолагани каби. Лекин бу насрий баён, холос. Байтнинг нафосати шундаки, Ҳазрат ийҳом санъати билан **қалбнинг** икки маъносига ишора қилганлар. Ёр сочлари қора тунга, сочлар орасида ҳаёлан кезган ошиқ кўнгли, яъни **қалби** қоронғи тунда юрган **қалб** — саёқ бор дайдига ўхшатишган. Буюк истеъдод нафаси тегса, қовушмаган калималар қовушар экан.

Икки қалбни туташтирган яна бир байт:

*Қалб эрур кўнглимки, болаббур сочинг зуннорини,
Турфа бўким, бир нафас чиқмас қошинг меҳробидан.*

Яъни кўнглим, афсас, сочингни белга зуннор қилиб боғлаган бор кофир. Лекин ажабки, қошинг меҳробидан бир лаҳза чиқмайди ва мусулмонлик даъво қилади. Байтнинг мазмуни шу. Бадиит-чи? Санъат-чи? Биринчи санъат — ташбиҳ, ёр сочлари зуннорга — кофирлар белбоғига ўхшатилади, қошлари эса меҳробга қиёс қилинади. Иккинчи санъат — таъод. Зуннор билан меҳроб бошқа-бошқа олам тимсоллари, кофирлик ва мусулмонлик белгилари. Улар ёндош бўлиши мумкин эмас. Мана шундай мумкин

“

СЎНГИ САВОЛ ҚОЛДИ. НЕГА ЮРАК ҚАЛБ ДЕЙИЛГАН? УНИНГ ҚАЛЛОБЛИККА, ЁЛҒОНЧИЛИККА НИМА АЛОҚАСИ БОР? БИЛАСИЗКИ, ИНСОН ОНГИ ШАКЛЛАНГАН ЗАМОНДАН БУЁН АҚЛ ВА ЮРАК ЎРТАСИДАГИ БАҲС ТУГАМАГАН. АҚЛ ОНГ БИЛАН, ЮРАК ҲИССИЁТ БИЛАН ОШНО. ОДАМЗОДНИ ҲИССИЁТ КЎП АЛДАГАН. ҲАММА ХАЛҚЛАРДА “КЎНГИЛ КЎЧАСИГА КИРМА” ДЕГАН МАЗМУНДАГИ ҲИКМАТ БОР. ДЕМАК, ЮРАК СЎЗИГА КИРИБ АЛДАНГАН ОДАМЛАР УНГА ҚАЛБ ДЕЯ НОМ ҚЎЙИБДИЛАР.



бўлмаган ишни мумкин қилувчи қудрат шеърятда бор. Зид тушунчалар ёндош келиб, бадий унсур — таъодга айланади ва гўзаллик пайдо қилади. Учинчи санъат — ийҳом. Шақли бир, лекин мазмуни турлича сўзинг бир маъносини айтиб, бошқа маъносига ишора қилиш ийҳом бўлади. **Қалб эрур кўнглим** деган жумлани биз, аввало, кўнглимнинг мусулмонлиги қалбаки, у алдоқчи, кофир деб тушунамиз. Ишора этилган яширин маъно — **Қалб эрур кўнглим — кўнглик менинг қалбим**, юрагим. Унинг кофирлиги ҳам, мусулмонлиги ҳам менинг ўз хислатимдир деган фалсафий ҳулосадир.

Кўнглик билан юрак битта тушунча экани “Ҳайрат ул-абдор” да аниқ қилиб айтилган:

*Бу-ки кўнгул дерсан эрур бу юрак,
Исми кўнгул бирла ана муштарак...*

*Қаёба-ки оламнинг ўлуб қибласи,
Қаёри йўқ андоқ-ки кўнгул қабаси.*

Ийҳом энг қийин ва энг юқори қадрланувчи санъат ҳисобланади. Ҳазрат демишларки: “**Агар хосса маъни гар ийҳом эрур, анинг кунда юз байти ҳалвом эрур**”. Яъни агар шунга шу энг мураккаб ийҳом санъати билан ёзиш бўлса, ҳар кун юз байт битиш менга ҳолва шимганчалик осондир.

Яна байт:

*Эй Навоий, ишқ қил кўнглим ҳаёл этди масоф,
Рўбарў бўлгач, менинг қалбим сари тушди шикаст.*

Ишқ менга кўп азоб берди. Кўнглим бу азобларга чидамлик, исён кўтарди ва ишқ билан жангга кирмоқчи ҳаёл қилди. Лекин рўбарў бўлгач, қалбим шикаст топди. Яъни ишққа асирлигича қолди. **Қалбим сари тушди шикаст** жумласида ҳам икки маъно бор. Бир маъно қалб, яъни юрак. Бошқа маъно — ҳарбий атама — қўшин маркази. Лашкар жангга кирганда шох марказда боради. Мақсад — ҳам қўриқланиш, ҳам сафларни бошқаришга қулайлик. Шу сабаб кўшиннинг маркази **қалб** дейилади. Шох ўнг ё сўл қанотга ўтса, у ер ҳам қалб ҳисобланади. Сипоҳнинг юраги шох турган жой бўлади.

Навоий байтида кўнглик озодлиқ жангига кирди. Лекин ишқ устун келиб, қўшиннинг марказига — **қалбига**

шарҳини математика дарсига айлантирманг. Навоий тўғрисида қовоқ солиб тапириш гуноҳ. Доно гапларни ҳамма айтиши мумкин. **Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиг, Ер ўлунг бир-бирингизга...** дейиш учун Навоий бўлиш шарт эмас. Агар Навоий шу сўзларни айтган бўлса, демак, бунда сир-синоат бор: ё чиройли мажоз, ё яширин муаммо, ё бирор ташбиҳ бор. Агар сиз бу синоатни илгаманг бўлсангиз, фақат мазмуни баён қилсангиз, Ҳазрат руҳи олдида шаққоқлик қилган бўласиз.

Мана, сиз билан бирга “Ҳазойин ул-маоний”ни варақлаб, қалб сўзининг тўрт маъносини топдик. Изласак, бу сўзнинг коса тағидаги нимкоса мазмунлари яна чиқади. Тўрт девон бежиз “Маънолар хазинаси” деб аталамаган.

Сўнгги савол қолди. Нега юрак **қалб** дейилган? Унинг қаллобликка, ёлғончиликка нима алоқаси бор? Биласизки, инсон онги шаклланган замондан буён ақл ва юрак ўртасидаги баҳс тугамаган. Ақл онг билан, юрак ҳиссиёт билан ошно. Одамзодни ҳиссиёт кўп алдаган. Ҳамма халқларда “Кўнглил кўчасига кирма” деган мазмундаги ҳикмат бор. Демак, юрак сўзига кириб алданган одамлар унга **қалб** дея ном қўйибдилар.

Эмишки, тақдир азал инсон пешонасига тескари хат битгани каби юракни ҳам одам кўкси ичида тескари осиб қўйган. Шунинг учун эгасини терс йўللarga бошлармиш. Бу гапга ишонмаган, юрак сўзига кирган бир девона ёш шоирнинг ёзганлари бундир:

*Айбли эмас бунда иродам,
Маъзур тутинг, дўстлар, сиз мени.*

*Ақл қанча ҳақли бўлса ҳам,
Тутар бўлдим юрак измини.*

*У баҳи этган оташда ёндим,
Ўзи бўлди менга раҳнам.*

*Унча, фақат унга ишондим,
Юрак мени алдас асло!*

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

МЕЗОН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuz_official

yuz.uz_news

yuz.uz

Фестиваль

2025 BO'ZATOV

shlar VOZI

ИСТЕЪДОДЛАР УСТАХОНАСИ

“БЎЗАТОВ ФЕСТ” НАВБАТДАГИ ЁШ ЮЛДУЗЛАРНИ КАШФ ЭТДИ

Мусиқа тарбия воситаларидан бири бўлиб, у инсоннинг эстетик ва ҳиссий хусусиятларини шакллантиради. Чинакам мусиқий асарлар макон ва замоннинг ахлоқий ҳамда сиёсий ғояларини умумлаштиради. Одам ҳолатини оҳангсиз, навосиз, умуман, санъатсиз тасаввур қила олмайди. Боиси, санъат кишиларга фақатгина маънавий озуқа берибгина қолмай, унинг ҳар томонлама камолотга эришувида ҳам муҳим ўрин тутати. Шу сабабдан бугун юртимизда мусиқанинг шахс руҳиятидаги роли тўғри ҳис этилиб, унинг ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамияти оширилмоқда.



Кишининг кайфияти биз яшаётган ҳаётнинг бево-сита таъсирига кўра ўзгаради: кайғурамыз, қувонамыз, ғазабланамиз, шодлигимиздан ичимизга сиғаймиз ва ҳоказо. Башарти, мусиқа бундай кечинмаларни ўзида акс эттираркан, демак, у айни воқеликни ифодалайди. Бироқ унинг вазифаси муйян ҳислар билан чеклан-ганда бугунги кунга қадар етиб келмасди. Аслини олганда, мусиқа фикрларни, ғояларни, қадриятларни ўзида мужассамлантира олган маънавий манбадир. Мусиқий тарбияни асрашимиз кераклиги моҳияти ҳам шунда: чекимизга тушган вазифа шунчаки ўтмиш ғояларини такрорлаш ёки сақлаш эмас, балки уни ин-соният манфаатлари нуқтаи назаридан ривожланти-риш, танқидий ўзлаштириш ва ижодни қайта кўриб чиқиш зарурлиги мажбуриятидир.

2019 йилда Қорақалпоғистон Республикасида Бўзатов тумани ташкил этилди. 2020 йил эса Прези-дентимиз қорақалпоғистонлик ёшлар билан мулоқот чоғида ёш истеъдод эгалари мана шу гўзал масканга келиб, туманининг обрўси ва довруғини бутун дунё-га танитиш учун “Ёшлар овози” — Бўзатов ФЕСТ” танловини ўтказиш ташаббусини илгари сурди. Бу ташаббусдан сўнг 2021 йилдан бошлаб Ёшлар ишлар агентлиги ва ҳамкор ташкилотлар ушбу танловни ўтказиши анъанасига айланди. Танлов бахшичилик, анъанавий ижро (мақом), опера ва эстрада йўналиш-лари бўйича маҳалладан бошланиб, сектор, туман, вилоят ва республика босқичларида 3 та ёш тоифасида ўтказилади.

Ёшлар салоҳиятини юзага чиқариш мақсадида йўлга қўйилган ушбу танловнинг 2025 йилги респу-блика босқичи эса 3-7 июнь кунлари илк бор Тошкент шаҳрида ўтказилди. Бунда ҳар бир иштирокчи санъ-атга бўлган ёндашуви, сахна маданияти ва ижодий қобилияти билан ҳакамлар ва томошабинлар эътибо-рини қозонишга ҳаракат қилди.

Ҳакамлар ҳайъати Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда шакллантирилди. Бахшичилик, опера, эстрада ва анъанавий ижро (мақом) йўналишларида алоҳида таркиб тузилди ва улар ҳар бир ижрочининг маҳорати, сахнада ўзини тутиши, танлаган компо-зицияларига эътибор берди. Шаффофлиқни таъ-минлаш мақсадида ҳудудий босқичларда вазирлик томонидан тузилган экспертлар ҳудудларга бориб иштирок этди. Республика босқичида ҳудудий бос-қичда саралangan 161 қатнашувчи ўз имкониятлари-ни кўрсатди. Ҳар бир йўналишда 42, бахшичиликда эса 35 ёш бешлашди. Ғолиблар шу куннинг ўзида эълон қилиб борилди.

Шу кунга қадар танлов кўплаб ёш истеъдод эга-ларини кашф этган. Масалан, танловнинг 2024 йили маъсумида 23-30 ёш тоифаси бўйича опера йўнали-шида 1-ўринни кўлга киритган Отабек Назиров 2025 йил 25 январь куни Президент фармонида кўра “Ўз-бекистонда хизмат кўрсатган артист” фахрий унвони



“МУСИҚАНИ ЖИЛОВЛАШ ИЛМИНИ ЭГАЛЛАСАМ ДЕЙМАН”

садиға эришяпти, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, “Дўстлик” ордени соҳиби Ширин Маматова. — Опе-ра йўналишида ҳам ниҳоятда истеъдодли иштирокчи-ларни кўрдик. Баҳолашда биз фақат овоз эмас, балки сахна маданияти, асар танлови, диққияси, чет тили-даги матнларни тўғри ва ҳис билан ижро этишига ҳам эътибор қаратдик. Айрим иштирокчиларнинг соҳир овози бор, лекин устоз кўрмгани биланади — со-винларни тақсимлаш эмас, балки айнан шундай ёш-ларга тўғри маслаҳатлар бериб, устоз топиш, ўқиш ва ўрганишни давом эттириши лозимлигини айтишимиз асл вазифамиздир. Шунинг учун ҳақамиз ва буни улдасидан чиқа олдик деб ўйлайман. 10-15 ёш тоифа-сида баҳолаш бир оз мураккаброқ, chunki бу ёшда опе-ра ижроси огир. Ҳали овоз тўлиқ шаклланмаган бў-лади. Шунга қарамай, жуда тиниқ, кўнгирокдек овозли болаларни кўрпмиз. 16 ёшдан юқори иштирокчилар-нинг кўпи эса консерватория талабаси, профессионал сахна тажрибасига эга бўлган ёшлар — уларни, ал-батта, алоҳида баҳолаймиш. Танлов мобайнида ўзим учун кашф қилган иштирокчилар орасида Наманган вилоятидан келган Робия Абдурахимова ажралиб турди. Унинг овози, сахнада ўзини тутиши, кўрини-ши — барчаси ҳакамлар ва мухлислар ёдида қолди. Қашқадарёлик Яшнарбек Ғофиров ҳам чин истеъдод экан. Уларнинг келажакда нафақат юртимизда, бал-ки хорижий сахналарда ҳам порлаши мумкинлигига ишончм комил.

“ҲАЁТБАХШ ЎЗГАРИШЛАР АЛЛАҚАЧОН РЎЙ БЕРГАН”

— Сўнгги йилларда кўп соҳалар қатори мусиқа маданияти жабҳаларида ҳам ҳаётбахш ўзгаришлар

Бир донишманд айтганидек, санъат томонидан тарбияланган одам яратувчи ижодкорга айланади. Қалбим мусиқага ошувта. Исталган жойда, исталган вақтда ўзим билиб-билмай ниманидир хиргойи қилиб юраман. Мусиқани ҳаётим мазмунига айлантирсам, уни жиловлаш илмини эгалласам дейман. Баъзан ичимдан доим янги оҳанг сирлиниб чиқади уфқлар ортига ғойиб бўлади... Мен яна янги марраларни забт этишим кераклигини англайман. Ғолиблар қатори-да эканимдан, албатта, хурсандман, бироқ бу билан тўхтаб қолмоқчи эмасман, — дейди опера йўнали-ши бўйича республика босқичи ғолибларидан бири (2-ўрин) Яшнарбек Ғофиров. — Мусиқа мен учун ин-сон тўғиуларни, руҳий кечинмалари, орзу ва умидларни сўзсиз ифодалайдиган таржимон ёки таржимонсиз тушуниладиган санъат асари. Мусиқа яралибдики, инсонларни эзгуликка, халқларни, миллатларни бир-лаштиришга, уларни руҳан қанчаллаштиришга хизмат қилади.

Дунёни гўзаллик қутқаради дейишганида, бу гўзалликнинг биттаси санъат, аниқроғи, мусиқа экани назарда тутилган бўлса, ажабмас. Мусиқий санъат асарлари санъатнинг бошқа турлари каби кишини ҳаёт ва олам ҳақида фикрлашга, унда эсте-тик дидни, мафтункор ва гўзал, теран дунёқарашни шакллантиришда, онгли мушоҳада қилишга, ўзга-ларга яхшилик қилишга ундайди. Мусиқа ҳар бир миллатда ўзига хослик билан биргаликда умумин-соний қадриятларни ҳам ривожлантиришга, турли халқларнинг мусиқий ва бошқа санъат турларидан баҳраманд қилишда кўзга кўринмас кўприк вазифа-сини ўтайди.

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфия жихазидан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646.
36191 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов
Мусаххас: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев
Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА якуни — 05:35 Топирилди — 05:45

Қарбхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05